

**ТЕНДЕР САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА ЎТКАЗИШ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ
ШАРТНОМАСИ № 2021/151**

2022 йил “5” август

Андижон шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Андижон вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг Марказининг директори А.Масайдов, (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб аталади) бир томондан; «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК Андижон филиали директори Б.Мўминов, (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталади) иккинчи томондан, ушбу шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети.

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ти ЎРҚ-472-сонли қонуни талаблари, асосида “Ташкилотчи” Андижон вилоятида 2021 йилда қурилган 15та (300та хонадон) кўп квартиралик уй-жойлари учун оқова сув тармоқлари қуриш обьекти бўйича тендер савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш мажбуриятини олади (тендер савдоларни ташкил этиш, тендер савдолари хужжатлар тўпламини тайёрлаш ва тендер савдоларни ўтказиш) “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизматларга хақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. Ҳисоб китоб тартиби.

2.1. Республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2000 йил 29 ноябрдаги № 71-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Нархлар тўплами” ҳисобига мувофиқ тендер савдоси харажатлари **8552582 (Саккиз миллион беш юз эллик икки минг беш юз саксон икки) сўмни ташкил қиласи**.

2.2. Мазкур шартноманинг суммаси юқорида номи келтирилган обьект бўйича 1- ва 2-иловаларга мувофиқ **8552582 (Саккиз миллион беш юз эллик икки минг беш юз саксон икки) сўмни ташкил қиласи**.

2.3. «Буюртмачи» шартнома имзоланиб, худудий ғазначилик бўлинмасида рўйхатга (хисобга) олингандан сўнг 3 банк иш куни муддатда шартнома суммасининг **30 фоизини, яъни 2565774,60 (Икки миллион беш юз олтмиш беш минг етти юз етмиш тўрт сўм 60т.) сўмини** “Ташкилотчи”нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали ўтказиб беради.

2.4. Қолган **70 фоизи, яъни яъни 5986807,40 (Беш миллион тўққиз юз саксон олти миллион саккиз юз етти сўм 40т.) сўм тўловни** тендер савдоси комиссияси томонидан мажлис баёни имзолангандан сўнг топшириш ва қабул қилиш далолатномаларига асосан манзилий дастурига киритилган маблағларидан қонун доирасида шартнома муддати тугагунга қадар “Ташкилотчи” нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

III. Томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

3.1. “Буюртмачи” қўйидаги мажбуриятларни олади;

а) Хуқуқий меъёрлар актларига биноан қуриладиган обьектларни лойиха смета хужжатлари ва тендер савдоси хужжатларининг техник қисмига доир керакли хужжатларни шартнома кучга киргандан сўнг 3 кун ичida “Ташкилотчи” га топширади;

б) “Ташкилотчи” га ишни бажариш учун керак бўладиган ахборотларни 10 кун ичida беради;

в) «Ташкилотчи» томонидан тендер ўтказилгунга қадарли булган барча кўрсатилган хизматлар бажарилган бўлсада, “Буюртмачи” нинг талаби билан тендер савдоларини ўтказиш бекор килинса, “Буюртмачи” «Ташкилотчи» томонидан тендер ўтказилгунга қадарли булган барча кўрсатилган хизматлар учун, яъни: а) тендер савдоларни ташкил этиш; б) тендер савдолари хужжатлар тўпламини тайёрлаш; хизматлари учун мазкур шартноманинг 1- иловасида кўрсатилган меъёр буйича

6189138 (Олти миллион бир юз саксон тўқиз минг бир юз ўттиз саккиз) сўм тўловни «Ташкилотчи» хисоб ракамига ўтказиб беради.

г) «Ташкилотчи» томонидан тендер савдолари ташкил этилиб, ўтказилганда тендерга қўйилган қурилиш обьектига “Пудратчи” аниқланмаган тақдирда, тендер савдолари «Ташкилотчи» томонидан қайта ташкил этилиб, ўтказилади. «Ташкилотчи» томонидан кўрсатилган мазкур хизмат учун “Буюртмачи” «Ташкилотчи» билан қўшимча тендер савдоларини қайта ташкил этиш ва ўтказиш шартномасини имзолайди.

3.2. “Ташкилотчи” “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Низомда кўрсатилган мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

3.3. “Ташкилотчи” тендер савдосини ўтказишни кечиктирган тақдирда, тендер савдоси ўтказилмаган хизмат муддатининг ҳар кунига “Буюртмачи” га 0.5 миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня умумий суммаси бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

3.4. “Буюртмачи” тендерни ўтказиш учун белгиланган тўловни тўлашдан бош тортса ёки кечиктирса, шунингдек «Ташкилотчи» томонидан тендер ўтказилгунга қадарли булган барча курсатилган хизматлар бажарилган бўлсада, “Буюртмачи” томонидан тендер савдоларини бекор килиш хакида хабар берилиши “Буюртмачи”ни шартномада курсатилган жами тўловни тўлашдан озод этмайди. “Буюртмачи” тўлов кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0.4 фоизи миқдорида, кечикириб тўланмаган умумий сумманинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда “Ташкилотчи” га пеня тўлайди.

IV. Ишни қабул қилиш ва топшириш тартиби.

4.1. “Ташкилотчи” ишни тугатганда, тендер савдосини ўтказилганини ҳақида ийғилиш баённомаси ва бажарилган ишни қабул қилиш далолатномасини “Буюртмачи”га топширади.

4.2. “Буюртмачи” бажарилган ишнинг далолатномасини қабул қилган кундан бошлаб 5 кун муддат ичидаги «Ташкилотчи» га бажарилган ишни қабул қилиш далолатномасини имзолаши ёки ёзма равишда имзолашдан бош тортганлигини билдиришга мажбур.

V. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

VI. Форс-мажор

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгидан бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга қелганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгидан бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу хақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

VII. Бошқа шартлар

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7.2. Шартномани бекор қилиш, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳар икки томоннинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади ва мазкур шартнома матнига бир томонлама ўзгартириш киритишга рухсат берилмайди.

7.3. Томонларнинг юридик манзили, хизмат кўрсатаётган банки ва бошқа реквизитлари ўзгарса улар 3 кун муддат ичида бир-бирларига ёзма равища билдиришлари лозим.

7.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (2та иловаси билан) 2 (икки) нусхада тузилди.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома худудий ғазначилик бўлинмасида рўйхатга (хисобга) олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабригача амал қиласди.

8.2. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарлиқдан озод қилмайди.

IX. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

«ИЖРОЧИ»

Андижон вилояти курилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг

Маркази

Андижон шахри, Навоий шох кўча 30 уй
Тел/факс: (8-374) 223-57-52.

АТБ “Инфинбанк” Андижон вил.филиали
х/р: 20212000403649944001

МФО: 01114 СТИР: 202453348

ХХТУТ: 66000



А.Масайдов

«БУЮРТМАЧИ»

«Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК
Андижон филиали

Андижон шахар А.Фиграт
кўчаси 214/а-чў
СТИР: 301291517
Ш/ХВ: 301121860034017063201110372
Ўз Р. Момя Вазурига
Ғазнатиги йонаға ғазни
х/в: 23Н02000300100001010 МБКЖМ
Тошкент шаҳри НФО 0001

Филиал

директори

Б.Мўминов.



Хукукшунёс:

М.Муродов